

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
давлат хизматчиларининг
этика ва хизмат ахлоқи қоидалари

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат хизматчилари (бундан кейин – ходимлари) нинг этика ва хизмат ахлоқи қоидалари (бундан кейин – қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Ҳукуматнинг 2015 йил 18 майдаги “2015 йилда коррупцияга қарши тадбирларни амалга оширишнинг амалий ҳаракат комплекс режаси”, давлат ва жамият томонидан эътироф этилган маънавий-ахлоқий тамойиллар ва нормалар асосида ишлаб чиқилди.

2. Қоидаларнинг мақсади Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (бундан кейин - Агентлик) ходимларининг ахлоқий-этикавий норма ва хизмат ахлоқи қоидалари асосида ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажаришини таъминлаш, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига ишончини ва ходимлар мавқеини мустаҳкамлаш, ходимлар учун ягона ахлоқ нормаларини ўрнатишдан иборат.

3. Ушбу қоидалар, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ходимлар касбий этикаси ва хизмат ахлоқининг асосий қоидаларининг умумий тамойилларини ўзида акс эттиради.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ишга кираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ишни бошлашдан олдин ушбу қоидалар билан танишиши ва хизмат фаолияти давомида унга амал қилиши тавсия этилади.

5. Ушбу қоидалар давлат хизмати соҳасида мансаб ахлоқи ва этикавий ҳулқни шакллантиришга, унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга хизмат қилади.

6. Ушбу қоидаларни билиш ва унга амал қилиш ходимларнинг касбий маҳорати ва хизмат ахлоқини баҳолаб берувчи асосий сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

II. Ходимлар хизмат ахлоқининг асосий тамойиллари ва қоидалари

7. Давлат хизмати давридаги ахлоқ хизмат ахлоқи асосий тамойилларининг асоси ҳисобланади.

8. Ходимлар давлат, жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлик масъулиятини англаган ҳолда қуйидагиларга амал қилишлари шарт:

– Агентликнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ўз мансаб мажбуриятларини виждонан ва талаб даражасида бажаришлари;

– инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлиларини тан олиш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш Агентлик ва унинг ходимлари фаолиятининг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил этишини билишлари;

– ўз фаолиятларини қатъий белгиланган ваколат доирасида амалга оширишлари;

– мансаб мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай мулкӣ (молиявий) ва бошқа манфаатларнинг таъсирига алоқадор ҳаракатлардан воз кечишлари;

– хизмат ва касб этикаси ҳамда ишчанлик ахлоқи қоидаларига риоя этишлари;

– фуқаролар ва раҳбар шахсларга мурожаат қилаётганда эътиборли бўлишлари;

– ўзни бирор-бир ижтимоӣ ёки касаба гуруҳларга мансуб этиб кўрсатмаслик, фуқаролардан, ҳар қандай ижтимоӣ ёки касаба гуруҳ ва ташкилотлардан мустақил бўлиш;

– мансаб мажбуриятларини виждонан бажараётган вақтда ўз шаънига доғ туширувчи ахлоқӣ кўринишлардан сақланишлари, Агентликнинг мавқеи ва шаънига путур етказувчи вазиятлардан қочишлари (эҳтиёт бўлишлари);

– давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, давлат хизматчилари ва фуқаролар билан шахсий масалаларни ҳал қилишда хизмат мавқеидан фойдаланмасликлари;

– мансаб мажбуриятига кирмайдиган масалаларни ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, унинг раҳбари фаолиятини муҳокама қилмаслик, уларга баҳо бермаслик ва ҳар қандай фикрларни айтишдан ўзини тийишлари;

– Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти ҳақида жамиятга ахборот етказувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятига ҳурмат муносабатида бўлиш, шунингдек ишончли маълумотларни олишида улар билан ҳамкорлик қилиш;

– касбига оид конфиденциал ахборотлардан ўз манфаатлари ёки ўзига яқин ва бошқа инсонларнинг манфаатлари учун фойдаланмаслик;

– коррупцияга қарши тизим дастур ва режаларини амалга оширишда виждонан қатнашиш.

9. Агентликнинг самарали фаолият кўрсатиши учун нормал ахлоқӣ-психологик муҳитни қарор топтириш мақсадида ташкилий-фармойиш бериш ваколатига эга ходимлар бошқа ходимларга намуна, ўз ишининг устаси бўлиши лозим.

10. Ташкилий-фармойиш бериш ваколатига эга ходимлар бошқа ходимларга муносабатда:

– манфаатлари йўлида можароларга йўл қўймаслик чораларини кўришлари;

– коррупциядан огоҳлантириш бўйича тегишли чораларни кўришлари;

– давлат хизматчисининг маънавий-ахлоқӣ этика қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим.

11. Ташкилий-фармойиш бериш ваколатига эга ходимлар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан хавфли коррупция кўринишларига йўл қўймаслик чораларини кўришлари, ўзининг хулқ-атвори билан тўғри, виждонли, одил сифатида намуна бўлишлари лозим.

III. Ходимларнинг хизмат ахлоқи тавсиявий этика қоидалари

12. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлиб, ҳар бир фуқаро шахсий дахлсизлик, шахсий ва оилавий сирга, шаъни, иззати, обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш каби конституциявий қоидалар ходим хизмат ахлоқининг раҳбарий қоидалари бўлиб ҳисобланади.

13. Ходимнинг хизмат ахлоқи унинг қуйидагилардан ўзини тута билишини талаб қилади:

– шахснинг жинси, ирқи, миллати, ёши, тили, фуқаролиги, ижтимоий, мулкӣ ёки оилавий аҳволи, сиёсий ёки диний қарашларини камситувчи ҳар қандай ифода ёки ҳаракатлардан;

– қўполлик, калондимоғлик, менсимаслик, камчиликларини юзига солиш, қилмаган айбларини бўйнига қўйишга уриниш кабилардан;

– ўзаро муносабатларга путур етказувчи ноахлоқий кўринишдаги ҳаракатлар қилиш, таҳдид солиш, ҳақоратомуз фикрларни айтиш ёки гап отиш.

14. Жамоада ўзаро ишчан муносабатда ва бир-бирларига ҳамкор бўлишлари каби ходимларнинг хизмат ахлоқи тартиби ўрнатилади.

Ходимларга жамоада ва фуқаролар билан мулоқотда илтифотли, хушмуомала, эътиборли, сабр-тоқатли бўлишлари тавсия этилади.

15. Ишчанлик кўриниши, расмийлик, босиқлик, озодалик каби ташқи қиёфаси билан ходимлар бошқалардан ажралиб туриши ҳамда фуқароларнинг давлат органларига ҳурмат муносабатида бўлишларини рағбатлантириши керак.

IV. Қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик

16. Ушбу қоидаларни бузган ходимларга маънавий-ахлоқий таъсир чоралари қўлланилиши билан биргаликда, қонунда белгиланган ҳолатларда эса, юридик жавобгарликка тортилишлари мумкин

Ходимларнинг ушбу қоидаларга амал қилиши аттестация жараёнида, келгусида юқори лавозимларга тавсия этиш учун кадрлар захирасини шакллантиришда, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллашда инobatга олинади.